

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 123-ҳадис

123 – عَنْ أَبِي مسْعُودِ الأنصاري رضي الله عنه قال: قال النبي صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ مِمَّا أَدْرَكَ النَّاسُ مِنْ كَلَامِ النَّبِيِّ الأَوَّلَى: إِذَا لَمْ تَسْتَحْ فَاصْنَعْ مَا شِئْتَ». رواه البخاري.

Абу Масъуд ал-Ансорийдан розияллоху анху ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта, одамларга етиб келган нубувват сўзларидан бири: «Агар ҳаё қилмасанг, хоҳлаганингни қилавер», деган гапдир», дедилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Шарҳ: Ҳаё сифати ўта нозик, латиф сифат бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ушбу сифатлари ва хулқлари билан бошқалардан алоҳида ажралиб турганлар. **«Набий соллаллоху алайҳи васаллам парданишин (чимилдик)даги қиздан ҳам ҳаёли эдилар».** Ҳаё- одамларга аралашиб, қўшилиб юришга монъелик қилмайди. Ҳаё- одамлар олдида қилишдан уяладиган ишни тарк қилмоқдир. Ҳаё ва иймон бир-бирига ўта яқин нарсалардир. Агар бири кўтарилса, иккинчиси ҳам кўтарилади. Ҳаё иймон учун гўё далил кабидир. У тангани икки томонига ўхшайди.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ҳаё -пайғамбарларнинг хулқларидандир.
2. Пайғамбарларнинг барчалари ҳаё хулқига эга бўлганлар.
3. Хоҳлаган ишини хоҳлаган пайт амалга оширадиган тартибсиз кимсаларда ҳаё йўқдир.
4. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам чимилдикдаги келинчакдан ҳам ҳаёли эдилар. У зот: "Ҳаёнинг барчаси яхшиликдир", деганлар.
5. Бошқаларни ҳурмат қилган ҳолда бирор киши кўрмаётган бўлса ҳам қабиҳ ишни тарк қилиш- ҳаё дейилади.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI